



«Шумер» атамаси хакида нималар маълум?

Олимлар у хакидаги илк маълумотга оссурийлар шохи Ашшурбапалнинг тузган миххат жадвалида дуч келишди. Кейинчалик, Фрот дарёсига туташ водийда амалга оширилган казиш ишларидан сўнг, оссурий-бобил тарихидан хам кадимийрок маданият ўчоги кашф этилди. У «Шумер» маданияти номини олди. Шумерлар аслида ўзларини саг-гаг, яъни корабшлар деб аташган.

Кадимда аксарият халклар ўз тарихий номлари колиб, бошка номлар билан донг чикаришган. Бугунги кунда-чи? Бугун хам, бугунги ялпи саводхонлик асрида хам аксарият халклар бир неча номга эга ва биз уларнинг барчаси билан мураса киламиз: дойчлар олмон, немис, герман номлари билан машхур, ханларни хитойлар, хинлар, серлар дейиш одат бўлиб колган; найри — арман, суомилар — фин, можорлар— венгер, эронийлар — форс номлари билан маълум ва х.к.

Биз тадкик этаётган атаманинг бир канча кўхна сомиё тилига мансуб талаффузи мавжуд: Субер, Субер-т (т — муаннас кўрсаткичи)ларни аккадликлар мелоддан олдинги учинчи минг йиллик ўрталарида Шимолий Месопотамия вилоятларига нисбатан кўллаганлар. Мелоддан олдинги биринчи минг йилликда Шимолий Месопотамияда майда Шубер давлати мавжуд бўлган. Ўша даврда Субер атамаси Оссурия атамасининг шоирона латиф маънодоши сифатида ишлатилган. Месопотамиянинг жанубидаги Дажла ва Фрот дарёлари киргокларига туташ пасттекисликларда Субар ёхуд Шубар кўчманчи кабилалари яшаганлиги тўгрисида маълумотлар хам сақланган. Оссурия солномачилари Шумер сўзининг иккинчи бўгинига ургу бериб талаффуз кйлингани хакида ёзадилар.

Хужжатларда Суберларнинг кандай халк эканлиги хусусида бирор-бир кимматли изох йўк. Айни тарихий номукамаллик туфайли сумерларнинг номи ва кўчманчилик манзиллари хакидаги кўрсатмаларгина сақланиб колган, холос. Бундай мавхумлик хукмрон вазиятда факат атаманинг келиб чикиш тарихи, яъни этимологиясига мурожаат килишга эхтиёж сезилади. Атамани (агар у хакикатан хам ўша халкнинг ўз-ўзига кўйган номи бўлсагина) тахлил ва талкин килиш баробарида кабилларнинг кайси тилда сўзлаганини аниклаш мукаррар. Тилшунослар «шумер» сўзи келиб чикиши жихатидан сом ва саггиг тилларига мансуб эмаслигини тўла ишонч билан кайд этадилар.

2. Кул Тегин ёдгорлиги (мел. VIII аср)да шундай гўзал ибора бор: «турк едук йери-субў», айнан: «Мукаддас турк Ери-суви», мазмунан эса — «Мукаддас турк мамлакати».

Нигохларим «йер-суб» бирикмаси устида юзлаб марталар тойилгандир. Унга хар сафар кўзим тушганида жисми-жонимни алланечук хузурбахш титрок босади. Нахоят, кўшма отларнинг ўрнини алмаштирганимда ташки томони ўзгарган, маъноси эса ўзгармас

«Суб-йер» хосил бўлди. Кўхна мамлакат бўлмиш Субер номининг молекуласи шу зарралардан таркиб топмаганмикин? (Мамлакатнинг «Ер-Сув») ёки «Сув-Ер» шаклида номланиши hozir хам сакланиб колган. Масалан, ветнам тилида) Бу бирикма турклар яшаган кейинги манзилгохлар — Сибир ва Мўгулистонда маълум бўлганмикин? Мўгул афсоналарида Нўх тўфони даврида хам сув босмаган кўшчўкки Субер (Сумер, Сумбер) тоги хакида хикоя килинади. Шунинг учун хам мўгулларнинг жаннатмакон ерлар хакидаги тушунчалари кўшчўкки тог тимсоли билан уйгунлашиб кетган.

«Мўгул ривоятларига кўра, даставвал сув бўлган ва ундан чикиб турган кўшқоя Сумер-ула тоги бўлган». (Потанин Г. Восточные мотивы в западно-европейском эпосе. СПб, 1899, стр. 598.) Мўгулча «ула» — тог дегани.

«Урдус мўгуллари тилидан ушбу ибораларни ёзиб олдим: «Тоглардан ўлкани — Сумбер, кўлларнинг каттаси — Сум-далай-сут денгизи» (Уша жойда, 648-бет). Бу ерда сўз келиб чикишини халк тилига олиб бориб боғлашга уринишни кўрамиз. Мўгуллар сўзнинг биринчи бўлагини ўзларининг «сум» — сут сўзларига олиб бориб такашади, «бер» кисми эса ўзлаштирилмай колаверади.

Нўх тўфони хакидаги ривоятлар ёлғиз Тавротнинг кашфиёти эмас. Вокеалар силсиласининг айрим тафсилотлари аккадларнинг Билгомиш («Хамма нарсани билувчи») хакидаги достонларида хам учрайди. Тўфон хакидаги узункулок гаплар Иккидарё оралигида пайдо бўлиб, Таврот ёзилмасдан анча илгари бутун Осиёга таркалганди. Мўгулларнинг Субер тоги хакидаги маълумотни Тавротдан олганлиги эхтимолдан йирокдир. «Субер-тўфон» вокеалари баёни славян халк афсоналарида хам учрайди: «Бу Сивер тоглари — дунё томи хакидаги тасаввурларнинг акс-садоси... Шу билан бирга харакатидан уммонлар тўлқинланиб, дунёга кутку солувчи Севр балиги хам...» (Г. Потанин, ўша китоб, 203-бет) Мисолларнинг тасдиклашича, тахминий Суб-йер (Сув-Ер) билан афсонавий кўшчўккили Субер тоги ўртасида ташки ўхшашлик бор. Кискаси, бу ўхшашлик узвиймикин? Ёки тасодифийми? Аник бир нарса дейиш кийин, бироқ кўзлаган мақсад этагини кўйиб юбормаслик керак!

Кўхна шумер хатида икки хил: «кур» — тог, «кир» — ер, мамлакат деб ўкиладиган ёзув-белги бўлган. Кейинги Миххатларда эса ўша маъноларни англлатувчи учхадга — айланиб кетган. Бу ўта мухим белгини ўзлаштириб олган бобилликлар факат фонетик ахамиятини саклаган номлардан биттасиниги — «кур»ни колдиришади, у англлатган маънони эса «мату» — «ер». «шаду» — «тог» бобил сўзлари ўз зиммасига олади. Белгининг тадрижини кузатсак, учта тог бир нуктада туташувчи учта михга айланганини кўрамиз. Бундан ташкари ёзув-белги тиклама хатдан ёнламасига ўтишда 90° га бурилиб кетади. Бу кўргулик бошка шумер белгиларининг хам бошига тушган.

Кадимги турк харф-белгиси — йер — ер (айрим боцхка ёзувларда — йир), ўйлашимча, кўхна шумер белгисига бориб боғланади. Бироқ турклар факат остки тогни битта чизик (Мих)ка айлантира билганлар ва бу билан, гарчи унинг мазмуни бекарорлик касб этган бўлса-да, белгининг мутаносиблигини саклаб колишган. Хитой ёзув-белгиси шань — тог (мелоддан олдинги XV аср, Ин даври) ва шань (мел. ав. I минг йиллик) билан Миср ёзув-белгиси шикм (дўнглик, бегона мамлакат)ни солиштириб кўрайлик. Гарчи тўрттала вазиятда хам учхадларнинг бирлик сон тушунчасини ифодаловчи умумийлиги бўлса-да, тузилишига кўра Хитой ва Миср белгилари кўхна шумер ва турк белгиларидан фарк кила-ди.

Булардан энг мукаммали Шумер белгисидир. У тоглари олд томондан тасвирлайди. Чўккиларнинг икки силсиласи: якиндагилари — пастда, узокдагилари — улкан ва

юксакда. Турк хаттотлари масаланинг мохиятини тушунмай, соддалаштириш мақсадида «олдинги катор»ни ҳеч нарсага англатмайдиган чизик (мих)ка айлантириб қўйишган. «Тог» маъносига путур етган, лекин «сув» қўшилган. (Финикий ёзув-белгиси — «мум» — сувни англатган, охириги чизиксиз эса-чи — «шин» — тишми, тоғми? Улар бир белгига қадимги сом тилларидаги иккита номни жойлашга уриниб қўришган: «м» ва «ш» — маду, шаду.

Шундай қилиб, мен агар шумерлар (саг-гиг) ўз ёзув-белгисини мамлака: маъносидаги кур-к-р (тоғ-ер) деб аташган бўлса, илк турклар унинг қўрилишини ўзгартириб, «мамлакат» маъносида «суб-йер» деб атаган бўлишлари керак, деган фаразни илгари сурмоқчиман. У тамга белгиси, умум халқ нишони бўлиб қолади. Иккидараё оралигидан оммавий равишда қўчишни кейинги авлодларга мазкур белгининг рамзий талқини билан тушунтириш мумкин бўлади. Суб-йер — ботқоқликлар ва сув босган ерлар мамлақати! Махаллий аҳоли Шимоли-шарқий Осиёга қўчиб кетган илк туркларни шу ном билан (Суб-йер ёки Суб-йир) таниган бўлишлари керак. Уларнинг сағана (қўйинди)ларини турк бўлмаганлар Субер (Субир)ларники деб аташган ва бу анъана ўрислар қўчиб келгунга қадар тургун қолган. Тоболск губерниясидаги чуд (яъни, қўхна, афсонавий — У. С.) мазоротларини сивир халқига тегишли деб ҳисоблашган; бу қадимги сивир одамлари хандак қазиб, ичига тушишган ва томни тутиб турган тирговушни қесиб ташлаб, ўзларини тупроқ билан қўмишган; Паткановнинг фикрига қўра бу атама Сибир шаҳри номининг қелиб чиқишига асос бўлди, чунки у ерда сивирларнинг мазоротлари қўп эди» (Г. Потанин, ўша китоб, 411-бет). Шаҳарнинг номи билан бутун бир ўлкани Сибир деб атайдиган бўлиши.

Афсона воқеаларига тирговуш устида мазорот дўнгалари — мамлакат белгисининг ўзига хос талқини асос бўлган бўлса керак. Бироқ белгини бу тарихга мўгуллар изохлашмаган, уларнинг тушунчаси бизга маълум. Изохлаганлар манчжур қабилалари бўлиши мумкин.

Бу белги ва ном қелиб чиқиши жи-хатидан асл туркча эканлигининг ёркин далили — туркларнинг бу ном ва белги-ёзувнинг асл мохиятини билганликлари ва Суб-йерга алоқадор бирор-та ҳам афсона, ривоят тўқимаганликларидир. Туркларга у сирли бўлиб туюлмаган (муқаддасликка муқаддас, лекин илохий бўлмаган, ҳар бир илохийлик замирида сирлилик ётади).

Илк турклар маданияти мўгулларга жуда катта таъсир қўрсатган, Шунинг учун ҳам турк умумхалқ белгисининг талқини тавсифларидан Олд Осиё муаттарлари анқиб туради. Белги кенг тарқала бошлади; у босиб олинган ерлардаги чегара устунларига тамга қилиб босилди. Бу анъана яқин-яқин-ларгача давом этиб келган. Ҳар бир қўчманчи турк қабиласи ўз ерлари чегарасини тамга (қабиланишони) билан белгилаб қўйган.

3. Турк унсурларининг Қора денгиз бўйлари, Олд Осиё ва Оврупога кириб бориши мелодий давр манбаларида кенг тарихий микёснинг фақат ўта фожиали йилларидагина қайд этилган. Шундай воқеалардан бири 375 йилда бошланган хуннлар босқини бўлди. Ўша вақтларда турклар Рим тарихчиларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этган эди. Мўгулча «хун» (одам) номи билан бирлашган жуда қўп сонли қўчманчи қабилалар Хазарбўйи қўлларидан Гарбга томон силжий бошлади. Халқларнинг буюқ қўчиши деб аталган давр бошланди.

Буюқ арман тарихчиси Агафангел (V аср) Хусрав 1 (217-238) давридаги хуннлар ҳақида эслатиб ўтади. V янги, V асрда истеъмолга киритилган атаманинг асл номи илгари

бошкача бўлган тасвирини кўчманчиларга нисбатан кўллайди.

Д. Е. Еремеев шундай езади: «Турк кабилалари III-IV асрлардаёк, шуб-хасиз, ўзларининг кўпсонли ва доимий кўшкилари бўлмиш Кичик Осиё, Кофказ, Балкон халклари номидан иш юритган ва бу вилоятларда муттасил ўрнашаверишган. Дербент девори айнан ўша Марказий Осиёдан чиккан илк турк кўчманчилари боскинидан химояланиш учун курилган». (Еремеев Д. Этногенез турок. М., 1970).

«Шунингдек, хуннлар таркибига бул-горлар, савирлар (суварлар), сармат кабилалари ва бошкалар кирган» (Еремеев Д. ўша китоб, 53, 54-бет-лар).

Д. Е. Еремеев суварларга тўхталиб ўтади: «VI асрда Кичик Осиё ва Кофказда содир бўлган кўпгина воқеалар савирлар (сувар, субар, сибир) номи билан боглик, уларни Феофилакт Симокатиа Шимолий Кофказда яшаган хунн кабилалари таркибига мансуб билади... Суварлар Суриядан ташкари Арманистон ва Кичик Осиёга юриш қилишган, кадамлари Каппадокия (Кичик Осиёдаги вилоят, ҳозирги Туркия худудида—тарж.)га ҳам етган. Шунингдек, суварлар Византия харбий хизматида ҳам ёлланишган. Уларни 568 йилда аварлар тор-мор қилади. Шундан сўнг кабиланинг асосий қисми Албания (Озарбайжон)га кўчиб ўтади. Менандрнинг маълумотида караганда, Хусрав Анушервон уларнинг кўпчили-гини кириб ташлаган, қолган 10 минг нафарига эса Аракс ва Кура оралигида жой берган» (ўша китоб, 55-бет).

Солномачилар муболага қилишда устаси фарангдирлар. Хусрав суварларнинг барини кириб ташламаган: Улар кўп йиллар тарихчиларга маълум бўлиб қрлишади.

Махмуд Кошгарий (XI аср охири) суварлар ва булгорлар туркча сўз-лашганини, улар ҳам «кипчок»лар каби «Рус ва Рум мамлакатлари»-гача бўлган худудда макон тутганлигини ёзади.

Турклар «суб-ар» (суб-ар, суб-ир) сўзининг ахамиятини англаб етишганми, йўқми, билмайман. Харкалай, на Махмуд Кошгарий ва на бошка шарқлик муаллифлар асарларида ҳам бу энг қадимий туркча жаннатмакон юрт маъносини ифодаловчи, кейинчалик халқ номига айланган сўзни учратмаймиз (Кўриб ўтганимиздай, VIII асрда яшаган сибирлик ўғизлар уни бошкача — «ер-суб» ва «йар-суб» деб талаффуз қилишган. Бу сўзнинг магзини чакиб кўришга уринишлар бўлган, балки авар, хазар, татар, булгор ва бошка халқлар номи ҳам «сибар» калимасидан ясалгандир?)

Суварларнинг бир қисми (Хусрав киргинидан кейин бўлса керак) Албаниядан Урта Осиёга келиб, кейинчалик козок халқи таркибига кўшилиб кетади. Козоклар бу атамани тушунмай, суван, суанга айлантириб олишади. Шундай қилиб, Олатов этакларида, буюк Мармар тоғи ёнбагирларида Албан-суан («албан суванлари») кабиласи қарор топган. Эхтимол, айнан ўшалар тоғни Хон-Тангри деб аташгандир. Жумла оламга ўз номи билан маълум ва машҳур бўлган албан-суанлар икки ўрқачли тамга билан, қанотли туяни мингандек, бутун сайёрани кезиб чиқишгандир.

Турк маданияти тараккиётининг икки чўққиси (илк турк — Шумер ва қадимги турк— Сибир) ўртасида бир неча минг йиллик жарлик бор. Емирилиш жарлиги. Тарих дарсликларида, илмида кўчманчиларнинг маданий жихатдан қолоклиги хақида кўп гапирилган. Биз, истеъмолга кириб қолган тушунчани инкор этмаган ҳолда яна бир яққол ва диалектик жихатдан равшан бўлган «чарчок» сўзини кўшимча қиламиз. Унчалик қадимий бўлмаган манбалар айкаш-уйкаш қизигининг фақат озгина қисмини топишга муваффақ бўлган, қизикнинг ана шу бўлаги бўйичагина мулоҳаза юритган қалтабин Тарихчи туркларнинг ўтмиши сип-силлик, ҳамирдан қил сугургандай кечган деб тахмин қилади. Шундай қилиб, турк кабиласи бино бўлганидан бери Оврупо тарихчиси назарида

Вахшийлик манбаи бўлиб колаверган.

Хар бир халкнинг хаёт иўли кардио-граммани эслатади. Табобатда тўгри чизик ўлимни, тарихда эса янги кўтарилиш учун куч йигиш вақтини билдиради.

Тархлар мангулик кадар ўзгарувчандир!

«Ўтмишдаги барча ходисаларнинг асл маъноси шундаки, улар ҳеч қачон зил юк бўлиб қолмайди, аксинча, мўъжизакор тарзда ўзимизда тажассум топиб, ўзимизга қайтади», дейди улуг Райнер Мария Рилке.

Тутуриксиз сўзлар бир неча сабабларга кўра пайдо бўлади. Шулардан биттаси, менимча куйидагича ясалган: юнонлар бир неча хат услубларини билишган: чапдан ўнгга қараб ёзиш; бустрофредон (бир сатр — ўнгдан, иккинчиси — чапдан), ниҳоят, мелоддан олдинги VI-V асрларда ҳамма сатрларни ўнгга қараб ёзиш усули бўлган. Ва илгариги хат йўналишлари унутилиб кетган. Топилган ёдгорликларнинг ҳаммасини чапдан ўнгга қараб ўқишган. Бизгача буюмларга битилган бир сўзли қиска ёзувлар етиб келган. Ёзувлар, одатда, шакл ёки тасвирни билдирган. Юнонлар, этрусклар ва лотинлар бу изоҳларни кўпроқ қадимги Миср буюмларига ёзганлар. Жанубий Оврупо ва Олд Осиё маданиятларининг ўзаро муносабати сирларини фох қилувчи кўпгина буюмлар йўқолиб кетган. Бирок Оврупо тилларида «Та-була», «таблица», «тейбл», «табба» атамалари (ёзув тахтаси, стол, текис буюмлар маъносини билдиради) сақланиб қолган. Улар сопол тахталар (ёзув гиштлари) ндмидан келиб чиқади (Эхтимол, туркча «таба», «табок» — ясси сопол идиш; 2. қарикиз, 3. қогоз варағи ва терц, «тамба» — «ёзув белгиси» қабилар туркларнинг сопол жадваллар билан таниш бўлганини билдирар).

Мен орқа томонида юнонча ёки лотинча хат билан ўнгдан чапга қараб тирнаб ёзилган СУБЕР изоҳи бор шумер ёзув-белгилари тахтачасини ўз қўлларим билан ушлаб кўришни жуда-жуда истайман. Қадимги Оврупода шундай ёзувли сополлар, эхтимол, ниҳоятда кўп бўлгандир. Асрлар ўтиб, сирли тасвирларни кўрган овруполбқлар СУБЕР ёзувини чапдан ўнгга қараб РЕБУС деб ўқишган.

Ўлжас Сулайманов